

**Ўзбекистон-Корея халқаро университети олимпиадасида муносиб  
натижаларни қўлга киритган Ўзбекистон туманилик 5 нафар  
битирувчилар мuddатидан аввал талаба бўлди**

Кеча, 28 май куни Фарғона шаҳридаги Ўзбекистон Корея халқаро университетида математика, физика, информатика фанларидан олимпиаданинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

“КИУФ олимпиадаси” дея номланган билимлар баҳси вилоят халқ таълими бошқармаси ва Ўзбекистон Корея халқаро университети билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Қувонарлиси, унда иштирок этган 9 нафар битирувчи ўқувчиларимиздан 5 нафари ўз фан йўналишлари бўйича муносиб натижаларга эришдилар.





Хусусан, **65-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатининг бира тўла 4 нафар битирувчиси -**

**Аббосхон Абдужалилов** информатика фанидан 2-ўринни қўлга киритиб, 9600 АҚШ долларлик сертификатга,

**Самандар Садриддинов** ва **Иззатилло Убайдуллаев**лар информатика фанидан 3-ўринни қўлга киритишиб, ҳар бирлари 6400 АҚШ долларлик сертификатга,

**Салохиддин Мухиддинов** физика фанидан 2-ўринни қўлга киритиб, 9600 АҚШ долларлик сертификатга эга бўлишган бўлса,

**62-мактаб ўқувчиси Шерзодбек Қўшбоев** техник муҳандислик йўналиши бўйича 3-ўринни эгаллаб, 6400 АҚШ долларлик сертификатни қўлга киритди.

Шу билан биргаликда, ушбу 5 нафар иқтидор эгалари Фарғона шаҳридаги Ўзбекистон Корея халқаро университетига тест синовларисиз ҳамда қўшимча имтиҳонларсиз кириш имтиёзига эга бўлдилар. Яъни, бешовлон зукко ўқувчилар муддатидан аввал талабалик сафига қабул қилиндилар.

**Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2021-05-29 10:20:42